

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**132 «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида**

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, кредит битимлари бўйича таваккалчиликларни камайтириш, тижорат банклари ва банк бўлмаган кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тезкорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банкларининг Банклараро кредит бюроси негизида «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамиятни ташкил этиш, унинг таркибига иловага* мувофиқ муассисларни жалб этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин:

кредит ахборотлари субъектлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит тарихларини шакллантириш учун зарур бўлган улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва ахборотни таҳлил қилиш;

кредит ахбороти субъектларининг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг рейтингини баҳолаш тизимини шакллантириш;

кредит ахборотидан фойдаланувчиларга, шунингдек кредит ахборотлари субъектларининг ўзига уларнинг сўровлари бўйича кредит ахборотлари субъектларининг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни бериш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш;

кредит ахбороти субъектларининг тўловга қодирлигини, кредитга лаёқатини ва тўлов интизомини баҳолашда кредит ахборотидан фойдаланувчиларга кўмаклашиш мақсадида уларга маслаҳат хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институтига:

кредит ахбороти субъектларининг кредит битимлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва тегишли маълумотлар базасини шакллантириш;

кредит ахборотининг давлат реестрини юриштиш;

кредит бюрларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бериладиган кредит ахбороти маълумотлар базасини жамлаш;

* Илова берилмайди.

кредит ахборотининг маълумотлар базасини янгидан ташкил этилган кредит бюроларига бериш юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кредит бюролари ҳамда кредит бюросига кредит ахбороти берувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида ахборотнинг айланиши ва берилиши тартибини, шунингдек кредит бюролари ва кредит ахборотидан фойдаланувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

«Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини ва унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институтининг кредит ахбороти маълумотлар базаси берилишини таъминлаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кредит бюросига кредит ахбороти берувчи органлар ва ташкилотларнинг мутахассислари учун семинарлар ва тренинглар ташкил этиш ва ўтказиш ишларини амалга ошириш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида» 2011 йил 4 октябрдаги ЎРҚ–301-сон Қонуни нормалари кенг ёритилишини таъминласинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига қуйидаги мазмундаги 12-банд қўшилсин:

«12. Кредит бюролари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 апрелдаги 197-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 17 март,
74-сон